



№72
2019-yil, 3-sentabr
Seshanba (32.562)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

O'zbekiston OVOZI

Қалбларни
ҳаяжонга
солган гаплар

● Миллий юксалиш деганда, биз мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга кўтаришни тушунамиз.

● Биз маънавият ва маърифат ишини ватанпарварлик иши, виждон иши, деб биламиз. Виждон, маънавияти бор инсон Ватанни албатта яхши кўради. Виждон, маънавият дегани – халққа, Ватанга чин юракдан хизмат қилиш деганидир.

● Бугунги кунда Ўзбекистон ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини, улар қаерда бўлишдан қатъи назар, ҳимоя қилишга қодир мамлакат сифатида ўзини намойён этмоқда.

● Даврнинг, ҳаётнинг кескин талабларидан орқада қолмаслик учун барчамиз ҳар кун ўқиб-ўрганишимиз, ўз устимизда ишлашимиз, билим ва савиямизни доимо ошириб боришимиз керак.

● Ўз Ватанини, она халқини равақ топтириш учун ўзини аямасдан меҳнат қилиш: бу – жасорат ва мардлик, бу – она юртга муҳаббат ва садоқат, бу – тўғри тарбия ва амалий намуна демакдир.

● Бугун бир фикрни қатъият билан таъкидлашни зарур, деб биламан: Ўзбекистондаги демократик жараёнлар энди орқага қайтмайдиган, муқаррар тус олди.

● Биз мана шу ёруғ кунлар учун курашиб, жон фидо этган ота-боболаримизнинг ҳаққи-хурмати, 33 миллионлик халқимизнинг ҳаққи-хурмати, бизга умид ва ишонч кўзи билан боқиб турган болаларимиз, набираларимизнинг ҳаққи-хурмати – мустақиллик ва истиқлол йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз!

● Ўз мақсадларимизга албатта етамиз – келажаги буюк Ўзбекистонни барчамиз биргаликда барпо етамиз!

Бу сўзлар мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маросимда Президентимиз томонидан айтилди.

Бу сўзлар шиорларга айланмоғи ва ҳар биримизнинг қалбимизга муҳрланмоғи зарур.

МУНОСАБАТ

ЎЗ ВАЗИФАМИЗГА
УЙҒОҚ ҚАЛБ БИЛАН
ЁНДАШМОҒИМИЗ
КЕРАК

Инсон ўз ҳаётида касбни тўғри танлай олсагина завқ билан ишлайди, кўнгли тўқ бўлиб яшайди. Касбга бўлган меҳр ва садоқат эса инсонни катта марралар сари бошлайди.

«Дўстлик» ордени билан мукофотланган қорақалпоғистонлик Айгул Пирназарова ҳаёти ҳам бунга мисол бўла олади.

Давоми 2-бетда. ►

БУЮК СИЁСАТ ВА ЖАМОАТ АРБОБИ ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Президент Шавкат Мирзиёев 2 сентябрь куни Ислон Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ҳайкали пойига гулчамбар қўйди, унинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Етук сиёсат ва жамоат арбоби Ислон Каримов 2016 йил 2 сентябрь куни вафот этган эди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг қарорига кўра, бу сана ҳар йили Хотира куни сифатида нишонланмоқда.



Шуни алоҳида таъкидламоқ жоизки, юртимиз мустақилликка эришиши ва тараққиёт йўлида улкан муваффақиятларни кўлга ки-

ритишида Биринчи Президентимизнинг беназир қатъияти, улкан азму шижоати ва беқиёс жасорати муҳим аҳамият касб этган эди.

Биринчи Президентимизнинг мамлакатимизни ҳозирги ривожланиш даражасига кўтариш йўлидаги улкан хизматларини халқимиз доимо ёдда тутди ва унинг номини ҳамиша алоҳида ардоқ ва мамнуният билан тилга олади.

Шавкат Мирзиёев кўп бор таъкидлаганидек, Ислон Каримовнинг хотирасини қанчалик кўп эъзозласак, халқимиз, айниқса,

ёшларимизнинг маънавиятини шунчалик бойитган бўламиз.

Ушбу маросим ҳам Ислон Каримов хотирасига давлатимиз ва жамоатчилигимиз ҳурмат-эҳтиромининг яна бир ифодаси бўлмоқда.

Таомилга биноан Қуръон тиловат қилинди. Биринчи Президентимизнинг ҳаёт йўли ва серқирра фаолияти, орзу-истаклари, давлат ва жамият қурили-

ши борасидаги эзгу мақсадлари, мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш йўлидаги буюк хизматлари ёдга олинди.

Гул қўйиш маросимида парламент ва ҳукумат аъзолари, фан ва маданият намояндалари, зиёлилар, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

ЎЗА

ИСЛОМ КАРИМОВ ХАЛҚИМИЗ ХОТИРАСИДА

Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов хотирасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарорига кўра, ҳар йили 2 сентябрь Ислон Каримов хотираси куни сифатида кенг нишонланади. Шу кун мамлакатимизда Ислон Каримовни ёд этиш, ҳаёти ва фаолияти бўйича тарғибот тадбирларини ўтказиш анъанаси айланган.

Бу йил ҳам ушбу сана муносабати билан бутун мамлакатимиз бўйлаб хотира тадбирлари ўтказилди. Ислон Каримов тугилиб ўсган ва айни пайтда мангу ором топан маскан – Самарқандда эрта тонгдан хотира тадбирлари бошланди.

Вилоят ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари дастлаб Самарқанд шаҳридаги

Ислон Каримов мақбара-мажмуасини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилинди.

Ислон Каримовнинг давлатимиз мустақилликка эришиши ва тараққиёт йўлидаги хизматлари ёдга олинди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Биринчи Президентимиз хотирасини абадийлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тошкент, Самарқанд ва Қарши шаҳарларида Ислон Каримов сиймоси акс этган ҳайкаллар ўрнатилди. Юртимиздаги бир қатор йирик объектлар, кўчаларга буюк давлат ва сиёсат арбоби номи берилди.

Вилоят жамоатчилиги вакиллари Ислон Каримов мақбара-мажмуасидан чиққан. Регистон майдони яқинида ўрнатилган мус-

тақиллигимиз асосчиси ҳайкали пойига гуллар қўйди.

– Ислон Каримов мустақил Ўзбекистон Республикаси асосчиси, оғир давларда мамлакатда ҳавфсизликни таъминлаб, унинг тараққиёти учун мустақам пойдевор қўйган шахс сифатида юртимиз тарихида алоҳида ўрин тутди, – дейди Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори М.Пардаев.

– Бу улғў инсон халқимиз қалбидан чуқур жой олди. Шунинг учун юрдошларимиз ҳурмат, эҳтиром билан ёдга олаётган. Бугун Самарқанддаги Ислон Каримов мақбара-мажмуаси ва ҳайкали ўрнатилган майдон ҳар қачонгидан-да гавжум бўлгани фикримиз тасдиғидир.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими Э.Турдимов сўзга чиқди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

ХОТИРА АБАДИЙ, ҚАДР МУҚАДДАС

Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов ҳайкали олдида давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, фан, маданият, адабиёт, санъат намояндалари ва ёшлар жам бўлди.

Вилоят ҳокими Зафар Рўзиев бошчилигидаги жамоатчилик вакиллари Ислон Каримов ҳайкали пойига гуллар қўйди, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтирилди.

– Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, халқимизнинг атоқли фарзанди Ислон Каримов фаолиятида Қашқадарёга раҳбарлик қилган давр алоҳида ўрин тутди, – дейди вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Эсон Ражабов.

– Вилоятни таназзулдан чиқариб, юксалиш сари бошлаган Ислон Абдуғаниевич Каримов бу заминга алоҳида фарзандлик меҳри билан қарар эди. Қашқадарё

аҳолиси вилоят мустақиллик йилларида иқтисодий барқарор, sanoati ривожланган ҳудудга айланиб, аҳоли турмуш даражаси муттасил ўсиб бораётгани, бунёдкорлик, халқимиз фаровонлигини юксалтириш билан боғлиқ барча эзгу ишлар Ислон Каримов номи билан боғлиқ эканини чуқур ҳис қилади.

Мардлик, олижаноблик фазилатлари билан эл-юртга меҳр ва садоқат тимсоли бўлиб қолган Ислон Каримовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда мангу яшайди.

Ўлмас БАРОТОВ,
ЎЗА мухбири.

ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ (1938-2016 й.й.)

Ислон Каримов 1989 йилдан 2016 йилга қадар мамлакатни бошқарган давлат арбоби, кучли сиёсатчи, миллат етакчиси.

1991 йил 31 август куни Ислон Каримов буюк тарихий воқеа – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини эълон қилди. 1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ

сайловида Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланди.

У халқ дардида қулоқ тўтди, тинчлик ва осойишталикни таъминлади, кўп миллионли халқни Ватан тараққиёти йўлида бирлаштириб, ислохотларга сафарбар этди.

Ўзбек халқининг улғў фарзанди, мустақил Ўзбекистон давлати асосчиси

ва Биринчи Президенти Ислон Каримов 2016 йил 2 сентябрь куни оғир хасталикдан сўнг 78 йишда вафот этди.

Ислон Каримов хотирасини абадийлаштириш мақсадида 2017 йил 31 август куни Тошкент шаҳрида собиқ Оқсарой қароргоҳи олдида унинг биринчи ҳайкали тантанали очилди.


Шунингдек, Биринчи Президент ҳай-

каллари 2017 йил 2 сентябрда Самарқандда, 2018 йил 30 январда Қаршида ва 2018 йил 18 октябрда Москвада очилди.

Бундан ташқари, Тошкент давлат техника университетида, Тошкент халқаро аэропортига, Фарғонадаги санъат саройига, Асакадаги автомобиль заводида ҳамда бир қатор кўчаларга Ислон Каримов номи берилди.

Муносабат

ЎЗ ВАЗИФАМИЗГА УЙҒОҚ ҚАЛБ БИЛАН ЁНДАШМОҒИМИЗ КЕРАК



Айгул ПИРНАЗАРОВА, И.Савицкий номидаги давлат санъат музейи катта илмий ходими:

— Бутун халқимиз учун энг азиз ва энг улуг байрам Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 28 йиллиги арафасида муҳтарам Юртбошимиз томонидан «Дўстлик» ордени билан мукофотлангани мен учун қутилмаган воқеа ва катта қувонч бўлди. Бундай шукӯҳли онларда кунглингда шунақа ажиб туйғулар пайдо бўладики, уни сўз билан таърифлаш қийин. Энг аввало менинг кўз олдимдан бутун меҳнат фаолиятим ўтди. Чунки ушбу музейга оддийгина фаррош бўлиб ишга кирган кунимдан бошлаб, бўлим мудираси даражасига етгунимча менга устозлик қилган инсонлар, ота-боболаримиз қўл меҳнатлари билан яратган мерослари орқасидан мана шундай юксак мукофотга сазовар бўлдим.

Давлатимиз мустақилликка эришгандан сўнг тарихимизни ўрганишга, миллий меросларни қайта тиклашга катта эътибор қаратилди. Халқнинг бебаҳо дурдоналари сақланган музейлар, улардаги экспонатларни кенг тарғиб қилиш борасидаги ишлар йўлга қўйилди. Бунинг натижасида музейимиз тез орада жаҳонга танилди.

Ўзларининг юксак маҳорати-

«Давоми, бошланishi 1-бетда.

ни, теран фикрини, орзу умидларини каштадаги, гиламдаги нақшлар билан сўзлата олган қорақалпоқ халқининг ҳунармандчилиги бугун дунё халқларини ҳайратга солмоқда. Бунга мисол тариқасида бир нечта чет давлатларда ўтказилган кўргазмалардаги экспонатларни айтсам бўлади. Мана шундай кўргазмаларда халқ орасидан етишиб чиққан чеварларнинг ўз қўллари билан тайёрлаган каштали кийимларини, заргарлик буюмлари, чет эллик етук мутахассислар томонидан юксак баҳоланди. Ушбу музейга асос солган Игорь Витальевич Савицкий билан 10 йил бирга ишлаганим, музей ишларини ўрганганим ўзим учун бир умрга татигулик тажриба мактаби бўлди. Қишлоқма-қишлоқ оралаб ҳунармандчилик намуналарини йиғишни давом этдик, бир пайтлари Савицкий орзу қилган ҳунар турларини қайта тиклаш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда каштачилик, тўқимачилик ҳунарлари юқори даражада ривожланиб, каштали миллий кийимлар, совгабоп буюмлар ишланиб, дўконларимизда сотилмоқда. Барчамиз фахр билан айтадиган «Сахро Луври» номи билан машҳур бизнинг музейимизнинг обрўйи кундан-кунга ортиб бормоқда. Музей заллари бўйлаб меҳмонларга экскурсия ўтганимда ўзимни унутиб, узоқ ўтмишга саёҳат қилгандай бўламан ва ҳамиша сўзимни «музей ҳақида сўзимни тўхтатиш қийин» деган жумла билан аяқулайман. Халқимизнинг миллий меросларини асраб-авайлаш, кенг жамоатчиликка танитиш билан бирга келажак авлодга етказиш борасида қилаётган меҳнатим юксак баҳо олиши нафақат менинг, балки бутун жамоамиз, раҳбарларимизнинг ютуғи экани ҳақиқат. Бу юксак мукофотга жавоб тариқасида шоғирдлар тайёрлаб, уларга халқ меросининг қадр-қимматини тушунириш энг асосий вазифам бўлиб қолади.

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимиз тараққиёти, тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаш ишга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда жамоатчилик ишларидаги қўл йиллик самарали иштироки учун II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан мукофотланганлар қаторида Қорақалпоғистондан Марям Аҳмедова ҳам бор.



Марям АХМЕДОВА, Амурдари тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси:

— Мен 34 йиллик меҳнат фаолиятим давомида 18 йил раҳбарлик лавозимига ишлаган эканман. 2001 йилдан 2005 йилгача 27-сонли ўрта мактаб таълим тарбия ишлари бўйича илмий бўлим мудири, 2005 йилдан 2012 йилгача 27-сонли ўрта мактаб директори бўлиб ишладим.

2012 йилдан буён Амурдари тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раисиман.

Бугунги кунда Амурдари туманида 192,6 мингдан зиёд қўл миллатли аҳоли истиқомат қилиб, уларнинг 95,6 минг нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш, кредит олишларига қўмаклашиш, оилаларни янада соғломлаштириш ва мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бо-

расида туманимизда самарали ишлар олиб боришмоқда.

Биз хотин-қизларга доимий равишда эътибор қаратиб келмоқдамиз. Тиббиёт, таълим, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, тиббий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни турли ёт гоёлардан асраш мақсадида турли мавзуларда тадбирлар мунтазам ўтказилиб келинмоқда.

Оғир турмуш шароитига тушиб қолган хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида доимий равишда ўрганиш ишлари олиб борилиб, натижада 105 нафар оғир шароитда яшаётган хотин-қизларнинг рўйхати шакллантирилди. Улардан 16 нафарига уй-жойларнинг бошланғич тўловлари тўлаб берилган бўлса, 42 нафарининг бандлиги таъминланишга қўмаклашилди. 14 нафарига тикув машиналари олиб берилиб, касаначилик асосида бандлиги таъминланди.

Оилаларни мустаҳкамлаш, қизлар таълим-тарбияси борасида олиб борилган тизимли ишлар натижасида жорий йилда туманда эрта турмушга чиқиш, эрта туғруқ, оналар ўлими ҳолатлари содир бўлмади. Оилавий ажримлар, аёллар ўрта-сида жиноятлар камайди.

Туманда туғиш ёшидаги 51 минг нафар аёлнинг саломатлиги мунтазам равишда назоратга олиниб, чуқурлаштирилган тиббий қўриқдан ўтказилиши, ҳомиладор аёлларни Қорақалпоғистон Республикаси

скрининг марказига ўз вақтида юборилиб, тиббий назоратдан ўтказиб борилиши натижасида болалар ўлими камайиб, 70 дан ортиқ ногирон бола туғилишининг олди олинди.

Туманда хотин-қизлар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Туман аёллари жамоалари спортнинг қатор турлари бўйича вилоятда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Ўзбекистон миқёсида ўтказилган «Яшил майдон маликалари» спорт мусобақасининг Қарши шаҳрида ўтказилган Республика босқичида қизларимиз фахрли 2-ўринни эгаллади.

Муҳтарам Президентимиз томонидан II даражали «Соғлом авлод учун» ордени кўксига тақилиши, қилган ишларимга эмас, балки қилинажак ишларим учун қарзга берилган баҳо деб биламан. Бу мукофотни оқлаш учун эл-юрт манфаати йўлида бор куч-ғайратимни аямай меҳнат қилишга тайёрман. Ўзимда катта масъулият ва жавобгарликни чуқур ҳис этаман. Ҳар доим иш жараёнига янги усуллар, инновацион ёндашувларни қўллашга энг фаол, жонқуяр ва фидойи хотин-қизлар сафини кенгайтиришга астойдил ҳаракат қиламан.

Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳар биримиз ўз ишимизга пок виждонимиз, уйғоқ қалбимиз билан ёндашсак, она ватанимиз раванлиги муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Ўз мухбиримиз Минажатдин ҚУТЛЫМУРАТОВ ёзиб олди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон тарихи давлат музейида юртимизнинг фаол аёллари, ҳуқуқий ва ижтимоий асослар мавзусида ўтказилган давра суҳбатига фаол хотин-қизлар, ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

АЁЛЛАР ФАОЛ БЎЛМАСА...

Дастлаб Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси Нигора Эшметова йиғилганларни Мустақиллигимизнинг 28 йиллик байрами билан табриклаб, истиқлол даврида аёлларимиз учун яратилган кенг имкониятлар, жумладан, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қўллаб-қувватлашга қўллинаётган қонуний, имзоланаётган фармон ва қарорлар хусусида атрофлича маълумот берди.

— Бугун, муболага эмас, юртимизнинг барча ҳудудлари, шаҳар-қишлоқлари, маҳалла-қўйларида жадаллик билан олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларига барчамиз гувоҳимиз, — деди у ўз сўзида. — Бундай эзгуликка дахлдор ишлар, айтиш мумкинки, ватандошларимизнинг қалбида ҳам амалга ошмоқда. Демак, бу каби савобли амалларнинг барчаси мустақиллик туфайли рўйбга чиқмоқда.

— Ҳар қандай ютуқ ёки натижага катта меҳнат эвазига эришилади, — деди Тошкент вилояти ихтисослаштирилган стоматика шифохонаси бош шифокори Гулнора Мирсаидова. — Бу, табиийки, ҳаёт қонуни. Масалан, ўзимдан қиёс, илк меҳнат фаолиятимда Тошкент вилояти стоматика шифохонасида оддий шифокорликдан бошлаганим. Амалиёт билан илмни уйғунлиқда олиб бораётганим боис номзодлик диссертациямни химоя қилдим. Бугунги кунда жамиятдаги фаоллиқнинг илдири менинг назаримда оила ҳам мустаҳкам бўлиши керак. Шу маънода менинг ҳам ан шу миттигина «ватан»да ўз ўрним, қадр-қимматим бор деб ўйлайман. Вояга етаётган фарзандларимизни она юртимизга садоқатли инсонлар сифатида тарбиялашга ҳаракат қиламиз. Қолаверса, сиёсий партиянинг аъзоси бўлибгина қолмай, жамиятдаги хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш борасида ҳам янгиликлар қилишга уринялман. Ҳар бир ташаббусим ўз самарасини бераётганидан руҳланялман. Чунки бир аёлга жуда катта нарсаси керак эмас ҳаётда, асосийси, тинчлик, хотиржамлик бўлса, шунинг ўзи катта давлатда!

— Ўн тўққиз йилдан буён илм масканида ишлаб келялман, — дейди пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманидаги 20-мактаб директори, фаол аёллар қаноти раиси Шаҳноза Қосимова. — Айни пайтда мактабимизда 60 нафарга яқин хотин-қиз, ўн нафардан ортиқ эркак ўқитувчи фаолият олиб боради. Албатта, катта жамоани бошқариш, ишни тўғри ташкил этиш осон эмас. Бунинг учун билим, атрофдагиларнинг қўллаб-қувватлаши зарур. Бахтим эса аёлларни қадрлайдиган юртда яшаётганим ва меҳнат қилаётганимда, деб ўйлайман.

Қизгин савол-жавоб, мунозара руҳида кечган давра суҳбатига Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Жаннат Исмоилова, Тошкент шаҳар «Оила» илмий-амалий маркази раҳбари Фариди Абдурахимова, халқ депутатлари Юнусобод туман кенгаши депутати, юридик фанлари доктори Гулҳеҳра Тўлғанова сўзга чиқиб, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб беришди.

Ўз мухбиримиз.

ИИВ АКАДЕМИЯСИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЮКСАК САЛОҲИЯТ– БОШ МЕЗОН

Академия бошлиғи генерал-лейтенант Баҳодир МАТЛУБОВ билан суҳбат

— Баҳодир Аҳмедович, Сиз раҳбарлик қилаётган ушбу олий таълим муассасасининг тарихи узок. Унинг олдида қўйилган бугунги вазифалар, албатта, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг оқсоишталлиги, халқимиз манфаатини муҳофаза қилишга қодир, юксак маънавият, матонатли мутахассис кадрларни тайёрлашдан иборат. Айтингчи, ушбу ўқув муассасасининг ўзига хослиги нималарда кўринади? Уни шакллантиришда қандай мезонларга таянилмоқда?

— Ҳақиқатан ҳам ИИВ Академиясининг пойдеворида ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида асос солинган. Ҳарбий тартиб-интизомга йўғрилган мақом ҳам ўшандан буён шаклланган. Умуман олганда дунё таърибасида соҳа ходимлари олдида қўйилган талаб ҳамиша юқори бўлган. Албатта мамлакатимиз мустақилликка эришилган, унинг мақсади ва вазифалари ҳали айтганингиздай мамлакатимиз оқсоишталлиги, халқимиз манфаатларини қатъий туриб химоя қиладиган маънавият, матонатли кадрларни тайёрлашга йўналтирилган. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва босқичма-босқич амалга оширилаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида соҳага оид юкланган вазифалардан келиб чиқиб, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш, таълим ва фан соҳасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар доирасида ички ишлар органлари тизимини ислох қилиш, маъмур соҳа учун кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида бир қатор маърифий ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда мавжуд бўлган олий таълим муассасаларига қиёслаганда ИИВ академияларининг фаолияти юқорида таъкидланган жиҳатлар билан ажралиб туради. Таълим

нуқтаи назаридан олиб қаралганда курсантлар олдида қўйилган бугунги давр талаби, айниқса, ахборот коммуникация тизимининг ўта такомиллашган босқичларини ўзлаштириш, жисмонан соғлом, бақувват, энг муҳими халқимиз маданияти, қадриятларини яхши билиш, маърифатли бўлишдан иборатдир. Бунинг учун ИИВ Академиясида барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Анъаналарга келсак, бунда ҳам ўзига хослик мавжуд. Талабаларимиз ўқув даврининг бошланғич давридаёқ, билимга, спортга, адабиёт, санъат ва маданиятимизнинг бошқа йўналишларида ўз истеъдодларини намоиш этишга ҳаракат қилишади. Малакали устоз ва мураббийлар, илгор ва аълочи курсантлар кўмагида ўз қобилиятларини намоён этадилар. Ҳарбий матонатни шакллантириш, чиниқтириш масалаларида ҳам ўзига хос анъаналар мавжуд. Буларнинг бари ягона мақсадга — мамлакатимизга юксак салоҳиятли кадрлар тайёрлашга хизмат қилади.

— Шу ўринда бир савол туғилди. Ҳақиқатан ҳам кейинги пайтда жойларда ИИВ тизимида ушбу таълим муассасасининг битирувчиларига нисбатан талабнинг ортиб бораётгани кузатилади. Академиянинг нуфузи ортиб бораётгани ҳам шу билан боғлиқ бўлса керак, албатта. Айтингчи, қайси йўналишларда мутахассислар тайёрланади?

— ИИВ тизимида малакали, касбига садоқатли ва матонатли, жасур ҳамда билимли кадрларга ҳамиша талаб катта. Мамлакатимиз миқёсида олиб қараладиган бўлса, олис қишлоқ ва туманларда, шаҳар ва вилоятларда, пойтахтимиз Тошкент ва Қорақалпоғистон Республикасида ИИВ Академиясининг битирувчилари ўз вазифаларини ўташда бор билим ва малакаларини ушбу олий таълим даргоҳида таҳсил олган мезонлар доирасида бажаришга, ўз бурчларини ИИВ ходими шайинга доғ тушурмай олд этишга ҳаракат қилишмоқда. Албатта бундай кадрларга ҳамиша талаб катта бўлади. Ҳаётнинг ўзи тақоза



қилаётган талаб ва тақлифлардан келиб чиқиб, академия имкониятлари ҳам кенгайиб бормоқда.

2017 йил июнь ойида давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек тумани фаолияти билан танишиш асносида ИИВ Академияси ҳам таъриф буюриб, таълим муассасасида юқори малакали, профессионал кадрлар тайёрлашнинг йўлга қўйиш, шахсий таркибининг касб-маҳорати, маънавий маърифий, ҳуқуқий билимларини пухта шакллантириш масалалари билан батафсил қизикди ва келгуси йўналишларни белгиллаб берди. Уша йилги август ойида «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Президент қарори қабул қилинди. Кадрлар тайёрлашнинг бир поғонали тизими дастури бўйича уч йил муддатда олий маълумотли магистр даражасига эга (юрислар) ҳуқуқшунослар тайёрлаш йўлга қўйилгани мамлакатимизда мутахассис кадрлар тайёрлаш тизимини жаҳон стандартлари асосида тако-

миллаштиришда туб бурилиш бўлди. Эндиликда кундузги таълимда «Тергов фаолияти», «Тезкор қидирув фаолияти», «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти», «Эксперт-криминалистик фаолият», «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолияти», «Хизмат фаолиятини психологик таъминлаш» ҳамда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб «Жиноий жазоларни ижро этиш фаолияти» бўйича йўналиш жорий этилади. Битирувчиларимизга «юрист» малакаси берилди. Фақат бугина эмас, Академиянинг олий академик курслари негизда «Ички ишлар органларидаги бошқарув фаолияти» мутахассислиги бўйича «менеджер» малакаси беришга йўналтирилган Раҳбар кадрлар тайёрлаш факультети қайта ташкил этилди. Жорий йил 1-ўқув курсига қабул қилинган 600 нафардан зиёд курсантлар ўқув палигода таҳсил олмақда. У ерда барча шароитга эга ўқув аудиториялари, спорт комплекси, ахборот-ресурс маркази, руҳий тетиклаштириш хонаси, ўқ отиш ва махсус-тактик машғулотлар ўтказиладиган май-

дон ҳамда ётоқхона курсантларга хизмат қилмоқда.

Ўқув фан дастурлари Хитой, Туркия, Жанубий Корея, Россия, Франция каби ривожланган мамлакатларнинг соҳага оид тажрибалари асосида давлат таълим стандартлари, малака талаблари, намунавий ўқув режалари ишлаб чиқилган.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан ички ишлар органлари ходимлари учун дастлабки зарур касбий билим ва кўникмаларга эга ёшларни тарбиялаш, ёшларни вазирилик олий таълим муассасасига ўқишга киришга тайёрлаш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир минтақасида ИИВнинг биттадан, жами 14та академик лицейи ташкил этилди.

Албатта буларнинг ҳаммаси таълим сифатини оширишга қаратилган омиллар. Академия ташкил этилганининг 25 йиллигини нишонлашга тайёргарлик куриш жараёнида талабаларга янада яхшироқ шароит яратиш мақсадида бир қатор объектларимиздаги қурилиш ва капитал таъмирлаш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси ташкил топганилигининг 25 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги фармойиши ижросини таъминлашга қаратилган ўзимизнинг ушбу санани юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларимиз қабул қилинди. Улар асосида ташкилий —амалий, маънавий маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Айни пайтда ушбу тадбирлар доирасида «Академия—ички ишлар органлари учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш йўлида» мавзусида халқаро амалий конференция ўтказишга тайёргарлик қилинмоқда. Унда йигирмага яқин хорижлик ҳамкор таълим муассасаси ва ташкилотлардан вакиллар тақлиф этилган.

— Суҳбатимиз мавзуси ўз-ўзидан малакали кадрлар тайёрлашда профессор ва ўқитувчилар салоҳияти, қолаверса, ўқув юртининг моддий-техник базаси имкониятлари қай даражадалигига бориб тақалади.

— Тўғри айтасиз, кадрлар малакасини белгилوочи омиллардан бири, аввало, профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳорати, шахсий фазилати юқори даражадалиги билан боғлиқ. Давлатимиз раҳбарига таърифли чоғида тақдим этилган «2017-2021 йилларда ИИВ Академиясини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича» лойиҳада профессор-ўқитувчилар таркибининг шакллантириш, таълим жараёнини ташкил этиш ва номзодларни таълимга мақсадли тайёрлаш, ходимлар малакасини ва соҳавий хизматлар фаолиятини яхшилаш, янги инновацион таъминот бўйича фонд ташкил этиш ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш каби йўналишлар акс эттирилган эди. Айни пайтда уларни амалиётга тадбиқ этиш жараёни кенг кўламда амалга оширилмоқда. Профессор-ўқитувчиларимизнинг қарийб учдан бир қисми илмий даража ва унвонланиб, фойдаланишга топширилди.

Курсантларнинг 1-, 2- сонли ётоқхоналари, саф майдони, маънавий хизмат кўрсатиш жойларида таъмирлаш ишлари бажарилди. Ўтган йили касбий тайёргарлик факультети ётоқхонаси, Маънавият-маърифат маркази, сузиш хавзаси ва 1-курс ўқув биносига капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, 600 ўринли ётоқхона, ювиниш комплекси янгидан барпо этилди.

Бир сўз билан айтганда, академия фаолиятини жаҳон стандартлари даражасида ташкил этиш ишлари хориж тажрибасидан келиб чиқиб, ўзимизнинг миллий қадриятларга уйғунлиқда олиб боришмоқда. Шунинг билан боғлиқ таъкидлашни истардимки, мамлакатимизга ватанпарвар, илмли, малакали, садоқатли, матонатли кадрлар тайёрлаш жараёнида фаолиятимизнинг асосий мезонини уларни маънавият, маърифатли инсонлар этиб тарбиялаш ташкил этади. Бунинг учун барча ахборот коммуникация шарт-шароитлар мумкам. Президент Шавкат Мирзиёевнинг тақлиф ва ташаббуслари билан бир ерда хитой ва рус тилларини ўқитиш курслари ташкил этилган эди. Эндиликда Академияда Чет тиллар маркази ташкил этилди. Бундан ташқари таниқли ёзувчи ва шоирлар, санъат усталари, рассомлар ва бошқа ижодкорлар билан адабий-бадий ўчрашувлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Айни пайтда курсантларимизни мамлакатимизда чоп этилаётган босма ОАВ, янги нашр этилган китоблар билан танишиб боришлари учун махсус жиҳозланган кутубхона мавжуд. Яқин кунларда академия ҳудудида китоб дўкони, хизмат вазифасини ўташ чоғида халок бўлган ҳодимлар «Хотира майдони» бунёд этилади. Шунингдек, «Бизнинг факримиз» шиори остида илм-фан, спорт, санъат ва бошқа йўналишларда Академиямиз нуфузини оширишга ўз ҳиссасини қўшган соҳа ходимлари фаолияти акс эттирилган кўргазмалар бурчак ташкил этишга киришилди. Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ИИВ Академиясининг асосий фаолияти курсант ва тинловчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, етук мутахассислар тайёрлашга қаратилган.

— Мазмунли ва батафсил суҳбатингиз учун раҳмат.

Мурод ТИЛЛАЕВ, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси.

Химоя институтини хизматидан одамлар розими?

«СИЗ БИЛАН АДВОКАТИМ ГАПЛАШАДИ...»

МУСТАҚИЛЛИК ВА ҲУҚУҚ

Кейинги йилларда фуқароларимизнинг адвокатга мурожаати анъанага айлана бошлади. Одамларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини химоя қилиш учун адвокат хизматидан фойдаланишга ўрганишмоқда. Ҳўш, химоя институтини, деб аталмиш адвокатуранинг қонуний асослари етарлими, унинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилишдаги ўрни қандай бўлмоқда?

Мухбиримиз ана шу мавзуда Адвокатлар палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи Амрулло АҲМЕДОВ билан суҳбатлашди.

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасида айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланиши, тергов ва суд иштини юриштининг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланган, — деди биз билан суҳбатда Амрулло Аҳмедов. — Фуқароларга, қорхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатиши белгиланган. Бу қондалар Ўзбекистон Республикаси ЖПКда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Авваламбор қонунни ҳурмат қилган ҳодим гумонланувчи, айбланувчи ёки судланувчи билан бевосита ишлаш жараёнида ундан адвокат бора бўлса, уни таклиф қилиш ҳуқуқига эга эканлигини ёки унга химоя ҳуқуқи таъминлаб берилганидан кейингина у билан мулоқотга киришиши лозим. Акс ҳолда қонунчиликда белгиланган бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилиши оқибатида шахсининг химояга бўлган ҳуқуқлари паймол бўлишига ва у билан боғлиқ ўтказилган барча процессуал ҳаракатлар ноқонуний ҳисобланишига олиб келади.

— Гумон қилинган, ушлаб турилган, айбланаётган, судланаётган шахсга тергов ва суд жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳодимлари адвокатга руҳий босим ёки жисмоний таъсир этиш ҳолатлари учраётми? Адвокатура ишига аралашиб ҳолатлари борми? Чунки бундан олдин гумонланувчи ёки айбланувчига нисбатан қонунсиз ҳаракатлар эътиборда.

— Ҳозир бунга ўравонликларга қарши олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида бу масалада бизга ҳимоямиздаги шахслардан шикоят бўлмапти. Мурожаатлар таҳлили эса шуни қўрсатаётки, адвокатга ишонч билдирувчи шахслар сони ортиб бо-


рапти. Бунинг сабаби шундаки, илгари фуқаролар ўз муаммоларини ҳал қилиш учун турли суд-ҳуқуқ тизими идораларига ўзлари мурожаат қилиб, жуда кўп вақти ва асабини кетказган. Энди одамлар адвокатга мурожаат қилиш лозимлигини билади. Давлат айбловчи билан адвокат тенглиги амалда таъминланганлиги натижасида аксарият фуқароларимизга ўз вақтида сифатли ва малакали юридик ёрдам кўрсатилмоқда.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 46-моддасида қайд этилганидек, айбланувчи ўзининг нимада айбланаётганлигини билиши, ушлаб турилганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнгирок қилиши ёхуд хабар бериши инсон ҳуқуқларининг химояси амалда таъминланаётганлигидан далolat беради. Айнан мазкур қондаларга риоя қилмасликнинг ўзи ҳам суриштирувчи ва терговчининг қарорини ғайриқонуний, деб топишга асос бўлади. Бу эса инсон ҳуқуқларини химоя қилишда ўзига хос механизм яратилганлигига мисолдир.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузурида Адвокатларнинг бузилган ҳуқуқларини химоя қилиш департаменти иш бошлаганлигини айтиб ўтишим лозим. Ушбу департаментнинг вазифаси адвокатларга нисбатан бўлаётган қонунсиз ҳолатларни аниқлаш, уларнинг иш фаолиятига асоссиз аралашиб ёки уларга бўлаётган руҳий босим ҳолатларини ўрганади. Бу адвокатнинг суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳофазаси жараёнларида химоя остидаги шахсининг ҳуқуқ ва манфаатларини имкон қадар сифатли химоя этишига хизмат қилади.

— Олий маълумотли ҳуқуқшуносларнинг ҳаммаси ҳам адвокат бўла олмайдими. Яъни, бу касбда ишламоқчи бўлганларга қатъий талаблар қўйилган?

— «Адвокатура тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддасига кўра, адвокат макомига эга бўлишга талабдор шахс юридик мутахассислик бўйича камида



икки йиллик иш стажига эга бўлиши, жумладан, адвокатлик тузилмасида камида уч ой муддат стажировка ўтган бўлиши керак ҳамда малака имтиҳонини топишириш шарт.

Давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат қорхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ҳодими сифатида судья, терговчи, суриштирувчи ёки прокурор лавозимида камида уч йил юридик мутахассислик бўйича иш стажига эга бўлган шахс адвокатлик тузилмасида стажировкадан ўтмасдан малака имтиҳонини иштирок этишга ҳақли. Малака имтиҳонини муваффақиятли топишган талабдор лицензия олиш учун тегишли адлия органига уч ой ичда мурожаат қилиши керак. Бу муддатни ўтказиб юборган талабдор лицензия олиш учун адлия органига малака имтиҳонини такроран топишганидан кейингина мурожаат қилиши мумкин.

Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Бундан ташқари, адвокат ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шўғулланишга ҳақли эмаслиги қонуннинг 3-моддасида қўраб кўрсатилган. Булар илмий ва педагогик фаолият, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасидаги ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги фаолият, патент вакили ва медиатор сифатидаги фаолиятдир.

Шунингдек, шартномавий-ҳуқуқий асосда давлат органларининг, ҳўжалик бошқаруви органларининг, давлат қор-

хоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати ҳодими, ҳакамлик судларида ва халқаро тижорат арбитражларида (судларида) судья сифатида фаолият кўрсатиши мумкин.

— Адвокатни оқловчи, деб биламиз. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Баъзида эса химоячисидан нолиб гапирётган одамлар учраб туради. Сизнинг бу ҳолатга муносабатингиз қандай?

— Гурӯҳ курмаксий бўлмагани каби барча соҳаларда ҳам ўз ишига вийдонан ёндашмайдиганлар учраб туради. Аммо бу билан бутун бир бошли химоя тизимини айблаб бўлмайди. Ишчи билдирувчи ёки гумонланувчи адвокатга барча ҳолатни очиқ-ойдин айтиб бериши керак. Чунки адвокатнинг позиция танлаши, химоя остидаги шахсининг ҳуқуқларини сифатли химоя қилиши у олган ахборотга боғлиқ. Тушунмовчиликлар келгусида адвокат билан химоя остидаги шахслар ўртасида зиддият пайдо бўлишига олиб келади.

Яна бир эътиборли ҳолат шундаки, адвокат билан ишонч билдирувчи шахс ўртасида тузилмадан битим ҳам қонуний ва пухта бўлиши керак. Ундаги бандлар ва талаблар ҳар икки томон манфаатларига пўтур етказмайдиган даражада тузилиши лозим. Ҳар қандай вазиятда ҳам адвокат ишонч билдирувчи ёки химоя остидаги шахсга ишонч натижаси тўғрисида олдиндан кафолат бериши мумкин эмаслигини алоҳида таъкидламоқчиман.

— Шахс ушланган ва унинг эркинлиги амалда чекланган пайтдан бошлаб химоячи билан таъминланмаслиги қандай оқибатларга олиб келади?

— Шахсининг адвокат билан таъминланмаслиги айрим жиноят қидирув ва суриштирув бўлими ҳодимларига қўл келади. Гумонланувчи ва айбланувчининг айбини оғирлаштиришга олиб келади, адолатсизлик бўлади, норозиликлар кўпаяди.

Гумонланувчи ёки айбланувчи ўз вақтида адвокат билан таъминланса, бундай номаъқул ҳаракатларнинг олди олинади.

— Тан оламизми, йўқми, кўпчилик яхши билади, адвокатлар ҳозирча чинакам химоячиларга айланганича йўқ. Адвокатура институтини нуфузини ошириш учун яна нима-лар талаб этилади, деб ўйлайсиз?

— Ҳар бир фуқаро, ҳоҳ у ички ишлар ҳодимими, прокурор, судья ёки адвокат бўладими қонунни ҳурмат қилиши лозим. Қонун гумон қилувчи, айбланувчи ёки судланувчига химоя ҳуқуқи таъминлашни берибдими, демак, бу талабни бажаришимиз лозим.

Химоя институтини янада мустаҳкамлаш зарур. Турли ташкилотлару айрим ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳодимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан тинкиса қуриб, адолат йўқлигига кўнишга мажбур бўлган фуқарога факатгина адвокат ёрдам бера олиши мумкин.

Бунинг учун эса адвокатнинг қонун доирасидаги имкониятларини кенгайтириш ва адвокатнинг асосли ҳамда аниқ далиллари суд томонидан чуқур ўрганиб чиқишлии даркор. Шундагина адвокатлар ишонч билдирувчининг чинакам химоячисига айлана олади.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУСТАҚИЛЛИК НЕЪМАТЛАРИГА ШУКРОНА АЙТИЛДИ

Термиз шаҳридаги «Афруз» тантаналар саройида Сурхондарё вилояти ҳокимлиги томонидан шукроналик дастурхони қўйилди.

Мустақиллигимизнинг 28 йиллигига бағишланган тадбирда нуруний отахон ва онахонлар, давлат ташкилотлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Сурхондарё вилояти йилдан-йилга ҳар тарафлама ривожланиб, саноати юксалмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тўбдан ўзгариб, одамларнинг турмуш даражаси ўсаяпти. Барпо этилаётган замонавий уй-жойлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, кенг ва раван йўллар шаҳару қишлоқлар чироғига чирой қўшмоқда. Аграр тармоқда кластер усулида маҳсулот етиштирилиб, қайта ишлаш йўлга қўйилаётгани, айниқса, сўнгги йилларда юз бераётган янгиланишлар сурхондарёликларнинг фахр-ифтихор ҳиссини янада мустаҳкамлаётди.

— Мустақиллик берган бундай неъматларни ҳар қанча улуғлаб, шукрона айтсак кам, — дейди меҳнат фахрийси Н.Останкулов. — Бундан 28 йил муқаддам ҳозиргидек тинч, тўкин, обод ҳаёт кечиришни таъминлашга қийин эди. Ёшларнинг ўқиб, ўрганиши ва истеъдодини кенг намоён этиши, кекса авлод вакиллари тўкин яшаши, тоат-ибодатини эмин-эркин адо этиши учун яратилган шароитларнинг ўзи ҳам истиқлолнинг бизга туҳфа қилган бебаҳо иноятидир. Қаранг, сўнгги уч йилда воҳа иқтисодиёти, ижтимоий-маънавий ҳаёти ва бошқа йўналишларда содир бўлган ўзгаришлар ёшларимизга-ёш қўшиб, ҳаётга меҳримизни ошираяпти.


Тадбирда тўкин дастурхон ёзилиб, қуръон тиловат қилинди. Ош тортилди. Иштирокчилар файзли дастурхон атрофида қизгин суҳбат қилиб, мустақиллик йиллари амалга оширилаётган ишчи-ислохотлар ва уларнинг самаралари хусусида атрофича фикр алмашди. Истиқлол, Ватан, меҳр-муҳаббат ва аҳиллик мадҳи қарангиз этилган кўй-қўшқлар даврага ўзгача файз бағишлади.

Тадбирда Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Боболов сўзга чиқди.

Ҳолмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири.

АНЖУМАН

Фавкулдда ва-зиятлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги институтига «Ўзсаноатқурилиш-материаллари» уюшмаси билан ҳамкорликда «Ёнғинга чидамли қурилиш материаллари яратишнинг долзарб муаммолари ва ечимлари» мавзусида республика илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.



Қурилиш материаллари саноатида ёнғинга чидамли қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш, Олий ва ўрта махсус, Фавкулдда ва-зиятлар вазирликлари, Фанлар Академияси, Ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг Республика ёш олимлар ассоциациясининг масъул ҳодимлари ҳамда хавфсизлиги йўналишида мутахассислар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, ёш олимлар ва ҳуқуқий материаллари ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қорхоналарнинг вакиллари иштирок этди.

Илмий-амалий анжуманда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатида ёнғин хавфсизлигини таъминлашда мавжуд долзарб муаммолар юзасидан кенг миқёсда

муҳокама ўтказилиб, маҳаллийлаштириш дастури асосида янги, замонавий, ёнғинга чидамли қурилиш материаллари, конструкциялар ва буюмларни ишлаб чиқариш, ўз навбатида импорт улушини камайтириш, ички бозорни қурилиш материаллари бўлган талаб-хаттиёжи қондирилишини таъминлаш масалалари қўриб чиқилди.

Шунингдек, тадбирда бугунги кунда қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш, маҳаллийлаштириш дастури асосида янги замонавий қурилиш материаллари, конструкциялар ва буюмларни ишлаб чиқариш, ўз навбатида импорт улушини камайтириш, ички бозорнинг қурилиш материаллари бўл-

ган талаб-хаттиёжи қондирилишини ишлаб чиқарилаётган ва республикада фикр-мулоҳазалар ҳам билдирилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ва республика ҳудудида четдан олиб кирилаётган қурилиш материалларининг аҳоли турар-жойлари, ижтимоий-иқтисодий соҳа объектларининг ёнғин хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Боиси, маълумотларга кўра, содир бўлаётган ёнғинларнинг аксарияти ёнғин хавфи юқори саналган қурилиш материалларининг термик парчаланиши натижасида одамлар кучли заҳарланиб, ҳаётдан кўз юммоқда. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш ва ёнғинга

хавфсиз қурилиш ҳомашёларини яратиш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишларни янада жадаллаштириш борасида соҳа мутахассислари бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Тадбир доирасида ёш олимлар, профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабалар томонидан яратилган ихтиролар, инновацион ишланмаларнинг намоёйиши ҳамда етакчи нашриётлар томонидан китоб ярмаркаси ташкил этилди.

Шунингдек, анжуманда фаол иштирок этган профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар, тадқиқотчилар ва иқтидорли талабаларга махсус сертификатлар топиширилди.

Тоштемур ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЛҚАРО ҲУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

ҚОҒОЗГАРЛИК УСТАХОНАСИ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНГАН

Санокли кунлардан сўнг Қўқон шаҳри илк бор ўтказилаётган Халқаро ҳунармандчилик фестивалига мезбонлик қилади.

Қўқон қадим-қадимдан ўзининг бетакор санъати, адабиёти, тадбирқору ҳунармандлари билан етти иқлимга донг таратган. Сўнгги йилларда бу борада кенг қўлмали ишлар амалга оширилди. Ёғоч ўймакорлиги, темирчилик, пичоқчилик, мисгарлик, тўқувчилик, бешиқсозлик, сандиқсозлик каби ҳунармандчилик мактаблари янада тараққий этиб, жаҳонга юз тутди.

Президентимиз ташаббуси билан Қўқон шаҳрида биринчи бор ўтказилаётган Халқаро ҳунармандчилик фестивали бу борадаги ишлар салмоғини янги босқичга олиб чиқди. Бу ерда дунё халқлари, ҳунармандлари эътиборини тортадиган қўллаб масканлар борлиги халқаро ҳамжамиятнинг Қўқон шаҳрига бўлган қизиқишини янада ошириб, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамламоқда. Айниқса, ҳунармандчилик, шахарсозлик тармоқларини ривожлантириш, уста ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар қадим шаҳар тараққиёти, маданий ҳаётини дунё ҳамжамиятига яқинроқ танитиш имконини бермоқда.

— Қўқонликлар мазкур фестивални кўтаринки руҳ ва юқори савияда ўтказишга пухта ҳозирлик қўрмоқда, — дейди Қўқон шаҳри ҳокими Маъруфжон Усмонов. — Фестивалдан қўзланган асосий мақсад — ҳунармандчилик анъаналари ва мактабларини сақлаш, қайта тиклаш, соҳа ривожини йўлидаги ишлар қўламини илмий жиҳатдан ўрганиш, тадқиқ этиш, ўзаро таъжриба алмашиш, маҳорат дарслари ташкил этиш, иқтидорли ҳунармандларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашдан иборат.

Фестиваль олти кун давом этиб, унда хорижий ва маҳаллий ҳунармандларнинг кўргазма-савдоси, илмий-амалий конференция, фольклор-этнография гуруҳларининг чиқишлари, халқ ўйинлари, театр томошалари, миллий дизайнерларнинг мода намоишлари, палов танловлари ҳамда кураш мусобақалари каби турли кўнгилочар ва маданий тадбирлар ўтказилади. Асосий тадбир Худоберхон ўрда-си ва унга туташган маданият ва истироҳат боғи ҳудудида бўлиб ўтади. Бу ерда мамлакатимиз уста кулолчилик мактаблари намоёндалари томонидан маҳорат дарслари, тренинглар ташкил этилади. Шунингдек, Ўзбекистон халқ устаси, ёғоч ўймакор Муҳаммадали Юнусов ижоди-га бағишланган кўргазма, «Дастурхончи» мадрасасида «Риштон мовий гўмбазини» номли кулолчилик санъати кўргазмаларини ўтказиш режалаштирилган.

Бугун шаҳарда ноёб ҳунармандлик турлари ҳам қайта тикланмоқда.

— Таъкидлаш жоизки, ўрта асрларда шаҳарда қоғоз ишлаб чиқариш ҳунармандчилиги ривожланиб, Марказий Осиёда «Қўқон қоғози» номи билан машҳур бўлган, — дейди тарихчи олим Яҳёхон Дадабоев. — Тарихчиларнинг эътирофи этишича, Қўқон хонлигидаги қоғозгарлик устaxonаси Марказий Осиёда фаолият кўрсатаётган ягона фабрика ҳисобланган. Бундай ишлаб чиқариш тармоқларидан бири шаҳарнинг Чорсу-сида, иккинчиси Овчи қишлоғида жойлашган. Бу қоғозлар ўзининг юқори сифати, чидамлилиги, нафислиги билан алоҳида ажралиб турган. Унинг «Абрибахор», «Абришем», «Хафтарин» каби ўнга яқин турлари ўз вақтида машҳур эди. Жумладан, «Абрибахор» қоғози Миср пахта-сида ишланган. Шунингдек, қўқонлик усталар шойи қоғоз тайёрлашни ҳам билган. Махсулотлар Шимолий Афғонистон, Қашгар, Миср бозорларига-ча етиб борган. Қолаверса, Бухоро амирлиги бу махсулотлардан қоғоз пул ишлаб чиқаришда фойдаланган. 1863-1873 йиллар Қўқонда хон ўрдаси бунёд этилиши муносабати билан қоғоз устaxonалари ва қоғозгарлик объектовлари Сўх туманидаги Қалача ва Тўл қишлоқларига қўчирилган ва ўтган асрнинг ўттизинчи йилларига қадар ишлаган.

Қувонарлиси, ушбу халқаро фестивал доирасида бу каби ҳунармандчилик анъаналарини қайта тиклаш борасида амалий ишларга қўл урилди. Жумладан, қоғозгарлик устaxonасини қуриш учун ер майдони ажратилиб, бунинг учун 350 миллион сўм маблағ ажратилди. Ҳозирги кунда ёш олим ва ҳунарманд уста Хуршидбек Бегматов қоғоз тайёрлаш анъаналарини давом эттирмоқда.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

Тошкент бугун осмонга интиломқда...

ЮЛДУЗЛАРГА ЕТГУНЧА...

ёхуд кечаги ва бугунги кун хаёли

У йиллари барча янгилик радио орқали янграрди:

«Диққат! Диққат! «ТАСС» ахборот беради: Бугун, 1966 йил, 26-апрель, эрталаб, Ўзбекистон совет социалистик республикаси пойтахти Тошкентда ер қимирлаши содир бўлди...».

Нонушта пайтидаги радио овози барчамизнинг елкамизда совуқ сув қуйгандек, жунжитди, бугим шивирлаб, юзига фотиҳа тортиди.

Тошкент зилзиласидан сўнг анча ўтмасдан Хўжайлидаги ўрта мактабнинг 9-синфида эрталабдан баҳс бошланди.

— Ер каттакан ҳўкиннинг шохига жойлашган, ўша ҳўкиннинг битта шохи толиб, ер иккинчисига ўтганида қимирлайди, барчаси Оллоҳнинг иродаси билан бўлади, — деди Раим мулланнинг ўғли Мурод.

— Ер юмалоқ, у шохнинг устида туриши мумкин эмас, — дея эътироз қилди аълочи Сарсанбой.

Баҳсларимиз қизиқ, зилзила сабабларини била олмай, болалар жүррофия муаллимимиз Жумабой оғани кутдик. Сабаби, Жумабой оға ер тагида илон қимирласа биларди, унинг билмайдиган балоси йўқ, деб ҳисоблардик бизлар.

— Ер курраси шарсимон эканлигини ва унинг ядроси қайноқ магмадан, тепаси эса бир неча қатламлардан иборат эканлигини биласиз. Ўша қатламлар силжилари тўғрисида дарсда ўтганмиз. Тошкентдаги зилзила ҳам ўша қатламлар силжиши оқибати. Бунга ваҳима қилиш керак эмас, — деди муаллим соатига қараб. — Ҳўзир СССР Министрлар Кенгаши раиси Алексей Иванович Косыгин Тошкентга учиб келди. Зилзила оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳукумат комиссияси иш бошлади...

Зилзила барчанинг оғзидан бош мавзулиги анча давом этиб, ёзи таътида мактабимиз аълочиларидан тузилган битта гуруҳнинг Тошкент-Алмати сайёҳлик маршрути билан якуланди. Биз Жумабой оға раҳбарлиги-



да Тошкентни ўз кўзларимиз билан кўриб тинчидик...

Ўша йили зилзиладан жабр кўрган Тошкентга ёрдам қўлларини чўзаётган саховатли одамлар, ҳукумат қарори асосида янги Тошкент қурилишлари радио, матбуотда кенг еритилди. Саховатлар орасида тошкентлик жажжи Дилоромнинг музқаймоқ учун йиғиб юрган тийинларини инъом этганиги тўғрисида Эркин Воҳидовнинг «сенинг тийинларинг шохларнинг инъомидан афзалдир, синглим» деган маънодаги сатрлари ҳамон ёдимда.

Келгуси йили Тошкентда талабалик бахти бошланди. Барча олийгоҳларда кундузги ўқишларга қўшимча

кечки ва сиртки таълим бўлимлари очилиб, камина Тошкент Давлат университетида янгидан ташкил этилган журналистика факультети кечки бўлимига қабулландим. Кечки ўқинишнинг шарти кундузи ишлаб, кечкурун ўқиш экан, биз кўпчилик талабалар «Главташкентстрой» деган бошқарманинг ҳар хил қурилиш трестларида ҳар хил касбларда ишлардик. Орамизда матбуот, радио, телевидениеда ишлайдиганлар ҳам бор эди ва улар асосан Тошкентда яшайдиганлар эди.

Мен талабалик бахтини зилзиладан сўнг Чорсуга яқин маҳаллада, Қизилтовуш кўчаси, 34-ўйда бир муддат ишарада туриб, марказдаги жин қўчалар ва эскирган уйларнинг вайрона-

гарчилигини кўрганман. Тикланаётган Тошкент бунёдкорлигида иштирок этганимдан ва пойтахт марказидаги Ц-рақамли мажмуалар, Чилонзордаги турар-жой иморатлари, Тарих музейи, Вазирлар Маҳкамаси, энг баланд — 19 қаватли маъмурий бинолар қурилишларида ва кенг гузарларда менинг ҳам бармоқ изларим борлиги билан фахрланаман.

Эслаш — эртақ, хотира — хаёл. Талабалик таассуротларимга ҳам эллик йил бўлаяпти. Лекин бугун янгиланаётган пойтахт жамолини кузатарканман, ҳатто кўзларимга ҳам ишонмайман. Чунки бунақанги осмонга талпинган иморатлар, кўпдан-кўп маҳабатли қурилишлар илгари бўлмаганди.

Ўтган асрнинг ярмида «Осмондаги юлдузни санаб етман, дема» дея қўйлашган қизлар, бизнинг талабалик йилларимизга келиб, «ТашГУ десам дарҳол тушади эсга, Сенинг йиғит вақтинг, менинг қиз вақтим» дея қўйлаша бошладди. Ўша зилзила арафасида пайдо бўлган бу ажойиб ашуланинг дастлабки ижрочилари аллақачон кампир бўлиб қолган. Ибройим Юсуповнинг севиқлиси Бибисорага аталган ушбу ашулани энди ўша кампирларнинг неваралари қўйламоқда. Тошкентнинг қиёфаси ҳам ўзгаргандан-ўзгариб бормоқда, одамлар ҳам ўзгармоқда, авлод янгиламоқда. Янги авлод дунёга ўз овози билан келаяпти. Янги авлод дунёни янгилаштиради, ўзига қўлай шахар қуради. У бувиларига ўхшаб «осмондаги юлдузларни санабгина» қўймайди, у юлдузларга интилиб, яқинлашиб яшашни маъқул қўради.

Тошкентнинг бугунги осмонларга интилган бунёдкорлиги янги авлоднинг янги турмуш тарзига интилиши деб ўйлайман.

Мен кенг дунёнинг анча ажойиб шахарларини кўрганман. Лондон, Токио, Истамбул, Карачи, Қоҳира гузарларини кезганман. Лекин ҳеч

биридан Тошкентчалик меҳр ва жозоба топпаганман. Ростини айтсам, мустақиллик йиллари янгидан пойтахт қўрган Қозғистонга, Ашхободни ажойиб меъморчилик намуналари асосида қўрган туркман қардошларимга ҳавасим келган пайтлар бўлган. Тошкентни яқин қўшниларимиз пойтахтлари билан таққослардим...

Тошкент кўлами ва аҳамияти билан аллақачон Марказий Осиёнинг катта мегаполиси даражасида тан олинса ҳам, пойтахт шахарсозлиги соҳасида орзуларимиз кўп эди. Тошкент янада гўзал, улугвор бўлишини истардик.

Бултур Миср пойтахти Қоҳира кўчаларини кезиб, уни ўзимизнинг Тошкент билан қиёсладим. Шаҳарда 30 миллиондан ортиқ одам истиқомат қиларкан. Бу мамлакатимиз аҳолиси сони билан деярли тенг дегани. Қоҳиранинг ҳар бир ҳудуди ўзига хослиги билан ажралиб тураркан. Миср халқи минг-минглаб йиллар қудратли Нил дарёсининг қуйи оқимини макон қилиб келган. Буюк Геродотнинг бир пайтлар «О, Нил! Сен Мисрнинг инъомисан!» деган сўзлари бугун ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. Миср ҳудуди қанча кенг саҳролардан иборат бўлса ҳам, унинг барча аҳолиси ўша ҳудуднинг атиги 3 фоизидан иборат дарё ва дегиз соҳилларида яшайди.

Яна Тошкентга қайтайлик... Бу ерга ҳар сафар келганим сайин зилзиладан сўнг ўзим қўрган кўчаларда ўзим адашиб, йўл сўрайман. «Хумо» спорт аренасини неча марта гурурланиб томоша қилганимни билмайман, чунки кўргим келаверади. «Тошкент сити» қурилишини хаёлга чўмиб, келажакнинг кўз ўнгимга келтириб, ич-ичимдан қўвонаман. Бу шахарча эртага Тошкентнинг кўзmunчоғи бўлади, гавҳари бўлади. Олдин кўчалар номини сўраб, манзилни топардим, энди баланд иморатларни, баланд манзилларни билишим шарт шекилли. Сабаби, пойтахт тепага, одамлар эса баландга интиломқда.

Ўрзобой АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон
халқ ёзувчиси.

Дўрмон боғи, Тошкент.

БИЛАСИЗМИ?

ЎҚИТУВЧИЛАР ТИББИЙ
КЎРИҚДАН ЎТИШ УЧУН ПУЛ
ТЎЛАЙДИЛАРМИ?

Меҳнат кодексига мувофиқ, иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевоқиф болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимларини тиббий кўриқдан ўтказишни ташкил қилиши шарт.

Ходимлар тиббий кўриқлардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмас.

Тиббий кўриқдан ўтиш муносабати билан ходимдан пул ўндирилмайди, шунингдек, тиббий кўриқларни ўтказиш вақтида ходимнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача ойлик иш ҳақи сақланади.

ФУҚАРОЛИК ПАСПОРТИ
ЎЎЎЎЎЎЎЎЎЎЎЎ
МУРОЖААТ ҚИЛИШ КЕРАК?

Паспорт ўғирланган ҳолда фуқаро бу ҳақда ариза билан жиноят содир этилган жойдаги ёки фуқаронинг яшаш жойидаги ҳудудий ички ишлар органига мурожаат қилади.

Бундай ариза қабул қилингани ҳақида фуқарога маълумотнома берилади ва у маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

Жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтаб чиққан ва табиий офатлар оқибатида паспорти йўқолгани тўғрисида ариза билан мурожаат этган ва ушбу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этган шахслар ҳам маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

МАКТАБЛАРДА
СИНФЛАРДАГИ ЎҚУВЧИЛАР
СОНИ 35 НАФАРДАН ОРТИБ
КЕТИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Намунавий лойиҳалар бўйича қўрилмаган, мослаштирилган, биноларда жойлашган, ўқувчилар сони етарли бўлмаган мактабларда, олис (тоғли, чўлли) аҳоли пунктларида жойлашган мактабларда, шунингдек, ўзбек тилида ўқитилмайдиган мактабларда ўқувчилар сони синфларни тўлдиришнинг ўзига хос шарт-шароитларидан келиб чиқиб белгиланади.

Ўқувчи кам бўлган мактабларда (филиалларда) бошланғич синф ўқувчилари қуйидаги ҳолларда битта синфга бирлаштирилиши мумкин:

- ўқувчилар сони 8 нафаргача бўлган I — IV синфлар;
- ўқувчилар сони 12 нафаргача бўлган учта бошланғич синф;
- ўқувчилар сони 24 нафаргача бўлган иккита бошланғич синф (I ва III, II ва IV синфлар).

ХОДИМНИНГ ИШ ҲАҚИДАН УШЛАБ
ҚОЛИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛАЙМИ?

Ходимнинг меҳнат ҳақидан ушлаб қолиш унинг ёзма розилиги билан ёки суднинг қарорига кўра амалга оширилиши мумкин.

Ходимнинг розилигисиз меҳнат ҳақидан қуйидаги ҳолларда ушлаб қолиниши мумкин:

- белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш учун;
- суднинг қарорлари ва бошқа ижро ҳужжатларини ижро этиш учун;
- олдиндан берилган мақсадли пуллар (масалан, хизмат сафарлари учун берилган ва ишлатилиб қолingan аванс) бўйича ҳисоб-китоб қилиш ҳамда ортиқча тўланган суммани қайтариб олиш учун;
- меҳнат таътили бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун;
- ходим томонидан иш берувчига етказилган зарарни қоплаш учун;
- интизомий жазо тариқасида тайинланган жаримни ундириш учун.

Иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ҳақнинг умумий миқдори ходимнинг иш ҳақининг эллик фоизидан ортиб кетмаслиги лозим. Ушбу чеклов алимент мажбуриятлари бўйича қарздорлиқни ахлоқ тузатиш ишлари тарзидаги жазо тайинланган ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолишга нисбатан таътиб этилмайди. Бундай ҳолларда ушлаб қолинадиган ҳақнинг миқдори етмиш фоиздан ортиб кетмаслиги лозим.

Адлия вазирлигининг телеграмдаси
«Huqqiqiy axborot» канали.

ГАЗЕТХОН ФИКРИ

ҲАҚИҚАТ ЭГИЛАДИ, БУКИЛАДИ, АММО СИНМАЙДИ

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2019 йил 13 август сонида Тоштемир Худойкуловнинг «Тадбиркор ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилаяпти, Наманган шахар ҳокимлиги нимани истайди?» сарлавҳали ҳамда Нуруллоҳ Достоннинг «Мақоладин ўқидингизми?...» сарлавҳали мақоласини ўқиб чиқиб, ҳақиқат бор экан-ку, дея тўққиллашиб кетдим. Бунга сабаб Президентимизнинг инсонпарвар сивасини қўллаб-қувватловчи ижодкорларнинг борлигидан хурсанд бўлдим. Мен Президентимизнинг ҳар бир нутқини кузатиб бораман, халқимиз бугун яхши яшаш кераклигини қайта-қайта таъкидлаётганидан ҳаммамиз хабардормиз ва бу фикрни қўллаб-қувватлаймиз.

Шунингдек, жойлардаги раҳбарларга халқни рози қилиш, уларнинг муаммосини жойида ҳал этиш лозимлигини доимо ўқитиб келади. Аммо баъзи раҳбарлар менинг айтганим бўлади, деб кўнгли тусган ишни қилаётганини кўриб, бўлиб турибмиз.

Биринчи мақолада келтирилишича, Наманган шахар ҳокимлиги тадбиркорнинг қонуний ҳақини тан олгиси келмасдан, йўқ жойдан муаммо яратмоқда. Иккинчи мақолада эса бир ёлғиз аёлнинг уй-жойи ноқонуний қўрилган деб, бузиб ташланганига Андижон вилоят ҳокимлиги бефарқ қараб келаяптганига муносабат билдирилган. Мени жуда хурсанд этган жиҳати таҳририят журналистлари бу ёлғиз аёлни ҳимоя қилиб учинчи бор мақола бергани бўлди.

Ўйлаиб қолсан, журналистлар учинчи бор мақола эълон қилмоқда, туман ҳамда вилоят раҳбарлари эса бир ёлғиз аёлнинг муаммосини ҳал этиб беришни унчалик истамаётганга ўхшайди. Президентимиз инсон ҳақ-ҳуқуқи ва унинг манфаати ҳар нарсадан устун туришини катта-катта минбарлардан туриб гапирмоқда. Бунинг ижросини таъминлашда жойлардаги раҳбарлар суस्तаслиққа йўл қўётгани ачинарли ҳолдир. Бугун жур-

налистлар жойлардаги камчиликларни рўй-рост матбуотга олиб чиқмоқда. Бу билан қанчалаб ноҳақликка учраётган одамларнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилинмоқда. Аммо масъул амалдорлар муаммонинг ечими топилишига тўққиллик қилаётгандек, назаримда.

Биз бугун коррупцияга қарши курашишга жиддий киришганимизни ҳамма жойда эълон қилмоқдамиз. Аммо бунга мансабдорлар қанчалик даражада амал қилмоқда? Бу икки мақолада кўтарилган масалалар нимага ўзининг ижобий ечимини топиши қийинлашмоқда. Балким, бунга ҳам коррупция ёки таниш-билишчилик аралашаётгандир?..

Зотан, бу коррупция деган иллат ҳар қандай давлатнинг ички душмани ҳисобланади. Ҳаттоки, ташқи душмандан ҳам даҳшатлироқ қудратга эгадир. Уларга қарши курашиш учун бутун матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари биргалашиб, бир ёқадан бош чиқариб, ўзларининг таҳлилий, танқидий мақолалари билан курашишлари лозимга ўхшайди. Мен бугун ушбу икки мақолани «Ҳақиқат эгилади, букилади, аммо синмайди», деб бекорга номламадим, бугун бўлмаса, эртага албатта ҳақиқат қарор топишига ишонганим учун шундай номладим.

Ҳар ҳолда, бизни яратган Аллоҳ таоло бундай ноҳақликларни кўриб, билиб турибди. Шу сабабли ҳар ким ўз мансабидан фойдаланиб, ноҳақликларга йўл қўётган бўлса, бунинг жазоси муқаррардир.

Бир сўз билан айтганда, «Ўзбекистон овози» газетасининг муҳбирлари жойлардаги камчиликларни рўй-рост ёритаётганидан мамнун бўлдим. Камчиликларни ошкор қилишдан мақсад уларни бартараф этиш, одамларнинг оғирини енгил қилишдир. Амалдорлар буни тўғри тушунишса, нур устига нур бўларди.

Ҳақназар АБДУРАҲМОНОВ,
пенсионер.

ЗАВОД «KRANTAS» производит и реализует под заказ:



- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.

- Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- Полуприцепы: бензовоз, самосвалный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Qalandar ABDURAHMONOV

Farrux HAMROYEV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Mahmud TOIR

Muslihiiddin MUHIDDINOV

To'loqin TO'RAKONOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Shuhrat JALILOV

Qabulxona — (71)233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida

0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etiladi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.

Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini

ko'chirib bosish faqat tahririyat

ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 951. 3540 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 22:40.

Topshirilgan vaqti — 03:40.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchi:
Zafar BAKIROV



ISSN 2010-7633
Gazetaning elektron sahifasiga o'tish uchun
QR-kodni telefoningiz orqali skaner qiling.

1 2 3 4 6